

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2026 йил 6 апрель куни жиноят ишлари бўйича Олмазор туман суди, Олмазор тумани Янги Себзор МФЙ биносида, очик сайёр суд мажлисида, судья А.Турғуновнинг раислигида, судья ёрдамчиси У.Ўлдошевнинг котиблигида, Олмазор туман прокурорининг ёрдамчиси А.Ибрагимова, гумонланувчи З.Насрединов ҳамда унинг манфаатларини ҳимоя қилган “QONUN USTUVOR” адвокатлик бюроси адвокати И.Жураев, жабрланувчи У.Хашимов ва фуқаровий даъвогар Р.Насрединовнинг иштирокида,

Насрединов Заир Нигматович (Nasredinov Zair Nigmatovich) 1962 йил 13 апрель куни Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, нафақада, оилали, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Қуёш МФЙ, Беруний 3-тор кўчаси, 41-уй, 15-хонадонда яшовчи,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан гумон қилинувчига оид 1-1008-2603/171-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Дастлабки тергов органи ҳужжатларига кўра, Насрединов Заир Нигматович 2025 йил 22 декабрь куни, соат 18:00да, ўғли Насрединов Ровшан Заирович номида бўлган, ўзига ишончнома асосида бириктирилган, давлат рақами 01 R 932 ХВ бўлган “SPARK” русумли автомобилни, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний 3-тор кўчаси бўйлаб, Мухокама кўчаси томондан Беруний кўчаси томонга бошқариб бориб, “Регистон лицей” биноси қаршисига етганида амалдаги, “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 11-банди “г” қисми, 77-банди 1 ва 3-қисми талабларига риоя қилмасдан ҳаракатланиши оқибатида, пиёда Хашимов Умиджон Нусратовични уриб юборган.

Содир бўлган йўл-транспорт ҳодисаси натижасида, пиёда У.Н.Хашимов тан жароҳати олиб, шифохонага мурожаат қилган.

Судга оид тиббиёт экспертизасининг 2025 йил 30 декабрдаги 9838-Х-Хуж-сонли хулосасига кўра, У.Хашимовнинг танасида “Чап томонлама пневмогемоторакс, аралаш шок-2 даражаси билан асоратланган, чап томонлама кўкрак қафаси ёпиқ жароҳати, чап томонлама 3-10-ковурғаларни ёпиқ синиб силжиши, чап диафрагма жароҳати билан, ўнг елка суягини синиши, чап юз соҳаси тери ости гематомаси” каби тан жароҳатлари аниқланиб, ушбу тан жароҳатлари “ОҒИР” даражадаги тан жароҳати эканлиги аниқланган.

Дастлабки терговда, гумон қилинувчи З.Насрединов, жабрланувчи У.Хашимов ва фуқаровий давогар Р.Насрединов ариза билан мурожаат



килишиб, жиноят ишени ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўрашган.

Гумонланувчи З.Насрединов суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризани қувватлаб, айбига ўз ихтиёри билан тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлигини, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарга етказилган зарарларни тўлиқ қопланганлигини, ҳозирда жабрланувчи ва фуқаровий даъвогар билан бирон-бир тазйиқсиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишени томонларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатишни сўради.

Суд мажлисида жабрланувчи сифатида сўроқ қилинган У.Хашимов, ярашув тўғрисидаги аризасини тасдиқлаб, З.Насрединовга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, етказилган зарарлар тўлиқ қопланганлигини, ҳозирда аҳволи яхшилигини, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлигини, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлигини, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлигини ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишени томонларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатишни сўради.

Суд мажлисида фуқаровий даъвогар сифатида сўроқ қилинган Р.Насрединов, ярашув тўғрисидаги аризасини тасдиқлаб, З.Насрединовга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, етказилган зарарлар тўлиқ қопланганлигини, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлигини, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишени томонларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖК 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, жабрланувчи У.Хашимов, фуқаровий даъвогар Р.Насрединов ва гумонланувчи З.Насрединовнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Олмазор туман прокурорининг ёрдамчиси А.Ибрагимова ва адвокат И.Жураевнинг жиноят ишени ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрини эшитиб, қуйидагиларга асосан аризани қаноатлантиришни лозим деб ҳисоблайди.

Суд, гумонланувчи З.Насрединовнинг айбига тўлиқ иқрорлигини, етказилган зарарлар тўлиқ қопланганлигини, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва гумонланувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлигини, ярашув гумонланувчи, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарнинг хоҳишлари билан бўлаётганлигини ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инобатга олиб, З.Насрединовга нисбатан юритилган жиноят ишени томонларнинг ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.



Шу билан бирга, суд жабрланувчи У.Хашимов ва фуқаровий даъвогар Р.Насрединовга Ўзбекистон Республикаси ЖПК 583-моддасининг 6-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг улар мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишларини тушунтиришни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан гумонланган Насрединов Заир Нигматович Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига асосан жиноий жавобгарликдан озод этилиб, унга оид жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисмига мувофиқ томонларнинг ярашилганлиги муносабати билан айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилсин.

Жабрланувчи У.Хашимов ва фуқаровий даъвогар Р.Насрединовга мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Ажримдан норози томонлар ўн сутка ичида, гумонланувчи, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогар эса ажрим нусхаси уларга топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида, шу суд орқали Тошкент шаҳар судига апелляция тартибида хусусий шикоят, прокурор эса хусусий протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи судья

(имзо)

А.Турғунов

Ажрим нусхаси аслига тўғри:

